



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2023

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№6 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-6>

Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:

**Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:  
Заместитель главного редактора:  
Deputy Chief Editor:

**Fayziev Shoxrud Farmonovich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

**Boboyev Halimboy Boboyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Sattorov Abdug'affor**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Artur Gambaryan**

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

**Yosuke Shamoto**

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

**Malikova Gulchexra**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Xusanov Ozod Tillabayevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Selimanova Svetlana Mixaylovna**

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

**Xvan Leonid Borisovich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Peshkova Xristina Vyacheslovovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

**Sung Un Lee**

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

**Oqyulov Omonboy**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Ruziyev Rustam Jabborovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Borotov Mirodiljon Xomudjonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Toshev Boboqul Norqobilovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Shomuxamedova Zamira Shoislamovna**

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

**Ahmad Issa Altweissi**

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

**Esanova Zamira Normurodovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jason A.**

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

**Usmanova Muborak Akmalxanovna**

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Gasanov Mixail Yuriyevich**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Sattorova Gulnoza Djurakulovna**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Murodova Gulnora**

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Denisov Gleb**

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Fayziyev Shuxrat Xasanovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Usmonov Muhammadi Bahridinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Xolmuminov Juma**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Jo'rayev Yuldash Achilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Skripnikov Nikolay Kuzmich**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

**Po'latov Baxtiyor Xalilovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salomov Baxrom Salomovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Salayev Nodirbek Saparbayevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Osmonaliev Qayrat**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Aleksey Kibalnik**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Kudryavtsev Vladislav Leonidovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Sergey Shoshin**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)  
**James B.**  
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

**Rustambayev Mirzayusup Hakimovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Zufarov Rustam Axmedovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Kabulov Rustam**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Rajabova Mavjuda Abdullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Taxirov Farhod**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Ismailov Isomiddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li**  
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)  
**Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Djansarayeva Rima Ernatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Yelena Antonyan Aleksandrovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Matthew Light**  
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


**Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Pulatov Yuriy Safiyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**To'laganova Gulchehra Zaxitovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Mirazov Davron Miragzamovich**  
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)  
**Rijakov Aleksandr Petrovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

**Stoyko Nikolay Genadyevich**  
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)  
**Iskandarov Zayniddin**  
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)  
**Sergey Pen**  
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)  
**Aleksey Purs**  
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)  
**Jurgen Maurer**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)  
**Kevin Curtin**  
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

**Ismoilov Bahodir Islamovich**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

**Yuldasheva Govxerjan**  
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)  
**Alexander Trunk**  
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

<b>1. Худайбердиева Азиза Нормухамедовна</b> РЕФЕРЕНДУМ – ВАЖНАЯ ВЕХА ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА И УКРЕПЛЕНИЯ ПРАВОВОГО ГОСУДАРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ.....	5
<b>2. Мамараимова Гулрух Махмудовна</b> ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН КЎЧМАС МУЛК ҚУРГАНЛИК УЧУН ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	13
<b>3. Хакбердиев Абдумурад Абдусаидович</b> ҲАҚАМЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЮЗАСИДАН НИЗОЛАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ.....	20
<b>4. Тошбоева Робия Собировна</b> ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ В КОНТЕКСТЕ МЕЖДУНАРОДНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО ПРИМЕНЕНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРИРОДНОРЕСУРСНОЙ КАДАСТРОВОЙ СИСТЕМЫ.....	28
<b>5. Маткаримов Қудрат Қаландарович</b> АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТИ.....	35
<b>6. Матмуротов Алибек Равилович</b> АДВОКАТНИНГ МАХСУС КИЙИМИ (МАНТИЯ)НИ ЖОРИЙ ЭТИШ АДВОКАТ МАҚОМИНИНГ ОБРЎСИНИ ОШИРИШ МЕЗОНИ СИФАТИДА.....	43
<b>7. Бойдедаев Садирдин Абдусатторович</b> КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ДЕТЕРМИНАНТАЛАРИНИ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ.....	50
<b>8. Розимова Қундуз Юлдашевна</b> АЙБДОР ЎЗ ҚИЛМИШИГА АМАЛДА ПУШАЙМОН БЎЛГАНДА ВА АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ТУЗИЛГАН ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	64
<b>9. Salaev Nodirbek Saparbaevich</b> THE CONCEPT OF THE PENITENTIARY SYSTEM.....	72
<b>10. Янгиев Ғайрат Аvezхонович, Ҳайитов Вафо Шавкатович</b> ДАЛИЛЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИ – ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ ИНСТИТУТИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ.....	79
<b>11. Янгиев Ғайрат Аvezхонович, Пўлатов Азаматжон Эргаш ўғли</b> ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ – ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ.....	87
<b>12. Хамдамова Фируза Уразалиевна</b> ОБЗОР МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ СТАНДАРТОВ ПО ЗАЩИТЕ ПРАВА ЧЕЛОВЕКА В ЦИФРОВУЮ ЭПОХУ: (посвящается 75-летию Всеобщей декларации прав человека).....	100




**12.00.08-УГОЛОВНОЕ ПРАВО. КРИМИНОЛОГИЯ.  
УГОЛОВНО-ИСПОЛНИТЕЛЬНОЕ ПРАВО**

**Бойдедаев Садирдин Абдусатторович,**  
Тошкент давлат юридик университети  
муस्ताқил изланувчиси,  
E-mail: s.boydedayev@gmail.com

**КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ДЕТЕРМИНАНТАЛАРИНИ  
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ**

**For citation:** Boydedaev Sadirdin Abdusattorovich. CRIMINOLOGICAL DESCRIPTION OF THE DETERMINANTS OF CORRUPTION CRIME. Journal of Law Research. 2023, 8 vol., issue 6, pp. 50-63

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7985635>

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада муаллиф жамиятда коррупция жиноятчилигини келиб чиқишинг детерминанталарини криминалогик тавсифини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилади. Айни дамда, коррупция жиноятчилигининг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳадаги сабаблари ва шартлари ҳақида сўз юритади. Бундан ташқари, мақолада тадқиқотчи ва олимларнинг коррупция ходисаси детерминанталарига оид айрим фикр ва мулоҳазалари кўриб чиқилган. Коррупцияга қарши курашиш учун тизимли чоралар кўриш юзасидан қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар хусусида фикр юритилиб, тегишли хулоса ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар.** Коррупция, коррупцияга қарши қонунчилик, коррупциявий қилмиш сабаблари, шарт-шароитлари, коррупция детерминанталари, Transparency International, Ўзбекистон

**Бойдедаев Садирдин Абдусатторович,**  
Самостоятельный соискатель Ташкентского  
государственного юридического университета  
E-mail: s.boydedayev@gmail.com

**КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ДЕТЕРМИНАНТ  
КОРРУПЦИОННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ**

**АННОТАЦИЯ**

В статье автором с научной, теоретической и практической точек зрения представлен анализ криминалогической характеристики детерминант возникновения коррупционной преступности в обществе. В частности, рассмотрены причины и условия совершения коррупционных преступлений в социальной, экономической и правовой сферах. Кроме того, в статье рассмотрены некоторые мнения и комментарии исследователей и ученых

относительно детерминант феномена коррупции. Обсуждены, вносимые в законодательство, в целях принятия системных мер по борьбе с коррупцией изменения в виде выводов и рекомендаций.

**Ключевые слова.** Коррупция, антикоррупционное законодательство, причины, условия, детерминанты коррупции, Transparency International, Узбекистан

**Boydadaev Sadirdin Abdusattorovich,**

Independent Researcher of Tashkent State University of Law,

E-mail: s.boydedayev@gmail.com

## CRIMINOLOGICAL DESCRIPTION OF THE DETERMINANTS OF CORRUPTION CRIME

### ANNOTATION

In the article, the author presents an analysis of the criminological characteristics of the determinants of the emergence of corruption crime in society from a scientific, theoretical and practical point of view. In particular, the reasons and conditions for committing corruption crimes in the social, economic and legal spheres are considered. In addition, the article considers some opinions and comments of researchers and scientists regarding the determinants of the phenomenon of corruption. The changes introduced into the legislation in order to take systemic measures to combat corruption were discussed, and the relevant conclusions and conclusions were presented.

**Keywords.** Corruption, anti-corruption legislation, causes, conditions, determinants of corruption, Transparency International, Uzbekistan.

Ҳар қандай ижтимоий-салбий ҳодисани ёки жиноятчиликни, шу жумладан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашда мазкур иллатни вужудга келтирувчи сабаблар ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки айнан ушбу ижтимоий-салбий ҳодисани вужудга келтирувчи сабаблар ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганиш ва аниқлаш орқалигида коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш имконияти вужудга келади. Коррупция ва уни вужудга келтирувчи муаммолар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд [1]. Бир томондан, бу муаммолар коррупцияни кучайтиради, уларни ечиш эса коррупция даражасини пасайтиришга кўмаклашиши мумкин, бошқа томондан, коррупция кенг тарқалгани ўтиш даври муаммоларини кескинлаштиради, уларни ечишга ҳалақит беради. Бундан хулоса шуки, биринчидан, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ва чеклаш мумкин; иккинчидан, бу муаммоларни ечишга коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий ва муросасиз кураш олиб боришга кўмаклашади.

Коррупциянинг илдизлари давлат хизматини ташкил этишдаги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг ўзига хос психологиясига бориб тақаладиган ижтимоий ҳодисадир. Бу коррупцияга қарши аввало, маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-тадбирлари кўриш зарурлигини белгилаб беради. Коррупцияга йўл очадиган омиллар сирасига ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назоратнинг йўқлиги каби ҳолатларни киритиш мумкин. Ташкилий тушунмовчиликлар тўғрисида гап юритсак, фуқароларнинг коррупцион хулқ-атворини қонунга мос ҳаракатлари учун рағбатлантиришдан фарқлаш баъзан жуда қийин кечади. Тақиқлар, руҳсат бериш таомиллари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ва ҳуқуқий асосларининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади. Зотан, тарихий тажриба ва ҳозирги амалиёт, шу жумладан баъзи янги мустақил давлатлар амалиёти коррупция ва жиноятчилик жамоат хавфсизлигига қанчалик таҳдид солишини аниқ тасаввур этиш имконини беради.

Бизнингча криминалогиянинг асосий қоидаларига таяниб, коррупцияни вужудга келтирувчи муаммоларни шартли равишда умумий ва хусусийга ажратиш мумкин.

Нафақат Ўзбекистонда, балки марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечираётган аксарият мамлакатларга хос бўлган муаммолар умумий муаммолар қаторига киради. Мана, уларнинг айримлари:

1. Демократик сиёсий анъаналар ҳали чуқур илдиз отмагани.

2. Фуқаролик жамиятининг заифлиги, жамият ҳокимиятдан ажралиб қолгани. Демократик жамият ўз муаммоларини фақат фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ечишга қодир. Модернизация жараёнининг дастлабки босқичларига хос бўлган фуқаролар ижтимоий-иқтисодий аҳолининг ёмонлашуви жамият ҳокимиятдан узоқлашишига, ҳокимиятнинг эса ажралиб қолишига олиб келади. Ваҳоланки, жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларисиз қуйи даражадаги коррупцияни ҳам, юқори даражадаги коррупцияни ҳам енгиш мумкин эмас.

3. Ҳокимият институтларининг самарали эмаслиги. Тоталитар режимлар жуда катта давлат аппаратини вужудга келтиради. Бу ерда аввало ижро этувчи ҳокимият назарда тутилмоқда. Бюрократик тузилмалар жуда чидамли бўлиб, ҳар қандай бўҳронларга бардош беради, бунда ислохотлар қанча фаол амалга оширилса, бюрократик аппарат ўзини сақлаб қолишга шунча кўп куч-ғайрат сарфлайди. Пировардида ҳаёт шитоб билан ўзгаради, бюрократик институтлар ва, бинобарин, бошқарув тизими бу ўзгаришлардан орқада қолади. Бу ўринда Қ.Р. Абдурасулова “Қонунга мувофиқ, давлатнинг равнақи ва фаровонлигини таъминлашдек оғир юк бюрократиянинг елкасига тушиши, бюрократия фуқаронинг маънавият ва ҳуқ-атворига катта таъсир кўрсатиши аниқланган”, - деганида, мутлақо ҳақ эди [2]. Е.О.Алауханов ҳамда Д.Е.Турсынбаев ҳам бу борада ўхшаш фикр билдиради[3].

4. Қонунчилик лозим даражада ривожланмагани ва унинг номукамаллиги. Ислохотлар жараёнида иқтисодиётнинг туб негизлари ва иқтисодий амалиётнинг янгиланиши уларни қонун йўли билан таъминлашга қараганда анча илдамроқ кечади. Айни шу ҳол ўтиш даврининг белгиларидан бири ҳисобланади ва коррупция муносабатларини вужудга келиши учун қулай замин яратади.

Қонунчилик лозим даражада ривожланмагани қонунлар сифатининг пастлигида, ҳуқуқ тизимининг номукамаллигида, қонун ижодкорлиги тартиб-таомилларининг ноаниқлигида намоён бўлади.

5. Иқтисодий таназул ва сиёсий беқарорлик. Аҳолининг қашшоқлашуви, давлат ўз хизматчиларига муносиб маошни таъминлашга қодир эмаслиги аҳолини ҳам, давлат хизмати ходимларини ҳам қуйи даражада коррупциянинг авж олишига олиб келувчи қонунбузарликларга қўл уришига туртки беради. Бу шўро давридан қолган “сен – менга, мен – сенга” деган зарарли қоида билан қувватланади.

Давлатдаги сиёсий беқарорлик турли даражадаги, айниқса олий мартабали амалдорлар ўртасида эртанги кунга ишончсизлик ҳиссини кучайишига сабаб бўлади. Бундай шароитларда ўзини ўзи сақлаш учун бирон-бир кафолатларга эга бўлмаган амалдорлар коррупция домига осонроқ илинади. Коррупциянинг хусусий муаммоларига оид илдизлари билан шўро даврига бориб тақаладиган муаммоларнинг узвий боғлиқлиги ва охириги иллатнинг ҳозирги коррупциявий кўринишларни кетма-кетликда боғлаб, уларнинг хронологик давомига айлантиради. Уларнинг айримлари ўтиш даври шароитлари таъсирида кескинлашган, яъни, бу:

1. Суд тизими самарадорлик даражасининг пастлиги.

2. Аҳоли ҳуқуқий онгининг ривожланмагани.

3. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг вакиллари фақат “давлат манфаатлари” ва “жамоат мулки”ни муҳофаза қилишга одатлангани.

4. Амалдорлар қонунга эмас, балки йўриқномалар ва бошлиққа бўйсунушга одатлангани, маълум даражада “телефон ҳуқуқи”ни айнан шу билан боғлиқлиги ҳамда бу иллатларнинг барчаси ёпик, бешаффоф ҳолда намоён бўлиши кузатилади.

Жиноятчилик, шу жумладан коррупция муаммосига доир махсус криминологик адабиётлар таҳлили коррупцияни ўзининг табиий маҳсули сифатида белгиловчи сабаблар ва шарт-шароитлар (омиллар)нинг айрим гуруҳларини қайд этиш имконини беради. Ижтимоий ҳаёт мазмуни ёки соҳаларига кўра бундай омиллар қаторига ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, тарбиявий, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа сабаблар ва шарт-шароитлар киради [3].

Коррупцияни белгиловчи ҳуқуқий омиллар қаторига аксарият мутахассислар айрим фаолият соҳалари ҳуқуқий жиҳатдан лозим даражада тартибга солинмаганини ва амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд камчиликларни киритадилар. Уларнинг орасида қуйидаги камчиликлар айниқса кўп қайд этилади:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг хизмат ваколатлари лозим даражада тартибга солинмагани;
- коррупциянинг муайян кўринишлари учун жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатлари лозим даражада самарали эмаслиги;
- коррупцияга, шу жумладан сиёсий тусдаги коррупцияга қарши курашга қаратилган комплекс ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги;
- муайян сиёсат субъектлари – давлат ҳокимияти вакиллари ва бу лавозимларга номзодларга жинойий таъқибдан иммунитет ҳуқуқи берилганлиги, зеро жавобгарликдан ҳар қандай тарзда озод қилиш мавжуд хулқ-атвор нормалари бузилишига сабаб бўлади ва коррупция жиноятчилигига қарши курашнинг мақсади – ҳар бир жиноят учун ва ҳар қандай шахсга, унинг сиёсий мақомидан қатъи назар, жиноят қонуни қўлланилишининг муқаррарлигига зиддир ва давлатнинг парчаланишига сабаб бўлади

Дарҳақиқат, бу борада қонунчилигимиз маълум ўзгаришларга муҳтож. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 7 июлдаги Қонун билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қўшилди [4]. Конвенциянинг 15-моддасида "Миллий оммавий мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш" деб номланган норма мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир иштирокчи давлат ўз жиноят қонунчилигида оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш учун жавобгарлик белгилаши лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунда эса, фақат порани тақдим қилиш тўғридан-тўғри жиноят сифатида баҳоланган [5].

Шунингдек, амалдаги Жиноят кодексининг 210-моддасида мансабдор шахсининг моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши учун жинойий жавобгарлик белгиланган. Бунда, мансабдор шахснинг фақат ўзи учунгина моддий манфаат олиши 210-модда диспозицияси билан қамраб олинганлигини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, коррупцияга доир халқаро ҳужжатларда муайян ҳаракатларни “шахсий манфаатлар” билан бир қаторда “ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб” бажариш ҳам назарда тутилган [6].

Коррупцияни белгиловчи ташкилий-бошқарув омиллари гуруҳи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- вакант олий давлат лавозимларини банд этишга танловлар сони кўп эмаслиги, профессионал хизматчилар ва сиёсий белгига кўра тайинланадиган амалдорлар тизимининг мавжудлиги;
- сиёсат субъектлари устидан самарали молиявий ва ўзга назорат мавжуд эмаслиги;
- давлат хизматининг беқарорлиги;
- давлат ҳокимияти органларида тегишли лавозимни банд этиш учун сайлов ёки танлов ўтказиш жараёнида молиявий назоратни амалга оширувчи махсус мустақил хизматлар мавжуд эмаслиги;
- коррупцияга қарши курашда давлат органлари фаолиятининг самарали эмаслиги;



- давлат ҳокимияти органларининг вакиллари ва бу лавозимларга номзодларнинг фаолияти ва сиёсий муносабатлар соҳаси устидан давлат ва жамият томонидан ижтимоий назорат шакллариининг мавжуд эмаслиги.

Ўзбекистонда мансабдорлик жиноятлари борасидаги, афсуски, салбий натижалар, назаримизда, кўп жиҳатдан сўнгги йиллар ичида давлат аппарати ва давлат муассасалари ходимлари ишидаги жиддий камчиликлар ва лоқайдлик, билимсизлик ва тор идоравий манфаатларни ҳимоялаш каби муаммолар билан ҳам изоҳланиши мумкин. Жумладан, Давлатимиз раҳбари ҳам 2020 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу ҳақида куйидагиларни қайд этиб ўтган эди: "...давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади, ... вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган, вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд. Кўпчилик вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш учун ташаббус кўрсата олмайди. Бунинг сабаби нимада? Уларнинг ё билими, ё малакаси йўқ, ё қатъияти етмайди, ёки коррупцияга берилган.... ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилмаяпти" [7].

РФ Фанлар Академияси аъзоси Р.С. Гринберг қайд этганидек, "ҳаётимизни бюрократлаштириш ва бюрократик зулм юз бермоқда. Ачинарлиси, ёшлар муваффақиятга эришмоқчи бўлиш учун, энг яхшиси – бу давлат ишига кириш, амалдор бўлиш шарт, деган ақидага эга. Бу даҳшатли, аммо афсуски, чин маънодаги ҳақиқатдир" [8]. Бундай шароитда бюрократия, амалдорлар, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар аста-секин ҳукмрон синфга ва ҳокимиятнинг ижтимоий таянчига, "бошқариладиган демократия" концепциясини амалга ошириш воситасига айланиб боради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, коррупциявий ҳулқ-атворга мойиллигини белгилайдиган муҳим омиллар сифатида шахснинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ва иқтисодий аҳволи ҳисобланади [6]. Иқтисодий вазият мақтагулик даражада эмаслиги, камбағал ва ночор тоифадаги аҳоли ичидан юзага чиқишни фуқаролар давлат ишига киришда кўришади. Бугунги кунда аксарият фуқаролар давлат хизматида киришни исташади, олийгоҳлар битирувчилари турли йўллар билан давлат аппаратида киришга интилишади, бу эса давлат механизми эҳтиёжларидан ортиқ бўлиб, натижада ходимлар ҳаддан ташқари кўпайишига ва бошқарувнинг сифати ёмонлашишига олиб келади. Афсуски, катта ҳаёт бўсағасида турган ёш мутахассислар ишни асосан давлат аппаратида, давлат муассасаларида ёки давлат корпорацияларида, ҳокимликларда, шунингдек прокуратура, божхона, солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат қилувчи бошқа коррупциоген муҳит юқори бўлган органларда ишлашни исташади.

Дарҳақиқат, давлат хизматида киришда номзодлар кўпинча давлатга фойда бериш эмас, оддийгина инсоний ва эгоистик истаклар устунлик қилади: юқори даражали иш ҳақи, ижтимоий кафолатларнинг кўплиги, нуфуз, барқарорлик, яхшигина пенсия, шаҳарда қолиб ишлаш, энг асосийси эса, айрим нопок йўллар билан тезда бойлик орттириш истаги воқеликда чуқур илдиз отиб, давлатнинг ўзини кемиради. Халқ хўжалигига фойда келтириш, олис ҳудудларни ривожлантириш, соҳа ва тармоқларда ўзини кўрсатиш, муқаддас Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш – бу ҳақида, қоида тариқасида, бир оғиз сўз айтилмайди. Афсуски, жамиятда шахснинг ижтимоийлашуви, оилада бойлик орттиришга урғу беришга оид тарбия қайғули оқибатларни вужудга келтириб, жамиятнинг криминаллашувига сабаб бўлмоқда.

Шундай қилиб, узоқ тарих давомида жамиятимиз менталитетига хос бўлган коррупциявий ҳулқ-атвор унсурлари замонавий либерал иқтисодиёт ва фуқаролик жамиятида давлат ва ижтимоий тараққиётга жиддий ҳавф туғдирмоқда. Коррупция ижтимоий турмушнинг барча соҳаларига кириб, давлат ва жамият, айниқса ёш авлод онгида ҳавфли ақидалар, қарашлар сингишига сабабчи бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида ижтимоий гуруҳлар, жамият институтлари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлиб, коррупция ходисалари ортиши, нопок бойлик орттириш, иқтисодий ҳалол рақобат йўққа чиқиши, жамиятда адолатсизлик, қонун ва ҳуқуқ институтларига ишончсизлик, нопок орттирилган бойлик ордидан ахлоқсизлик ва маънавий бузуклик юзага келади. Энг ачирнализ коррупцияга қарши

кураш олиб борувчи, қонун устуворлигига курашувчи инсонлар мазкур коррупционерлар томонидан жиноятчи сифатида қораланади ва охир-оқибат адолатсиз равишда коррупцияга чўмган, айрим нопок судьялар томонидан суд ҳукми асосида айбдорларга айланиб, умрини жазони ўташ жойларида кўп йилларга маҳкум мақомида ҳаёт кечиришга мажбур бўладилар. Асосийси, жамиятда кескин қарама-қаршилик кайфиятлари урчиб, охир-оқибат жиддий ижтимоий портлашлар ва фожиалар содир бўлиши эҳтимолига олиб келади. Бу ўз навбатида, давлат имиджига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар тормозланишига олиб келади.

Коррупцияни белгиловчи мафкуравий ва тарбиявий омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- коррупцияга қарши қисқа муддатли кампанияларнинг ўтказилиши, зеро улар аксарият ҳолларда сиёсий мақсадларни кўзлаб ўтказилади ва бу мақсадларга эришиш усулларида бири ҳисобланади, чунки ўз олдига қўйилган сиёсий мақсадларга (тегишли лавозимни эгаллаш ёки уни ўзида сақлаб қолиш)га эришган шахслар шундан кейин кўпинча мазкур ижтимоий ҳодисага қарши курашнинг самарадорлигини ошириш хусусида берган ваъдаларини унутадилар;

- фуқаролик жамияти сиёсий маданиятининг шаклланимагани. Бу аввало сайлов жараёнида акс этади: сайловчиларнинг бир қисми ўз овозларини оз миқдордаги пул суммалари ёки моддий қимматликлар эвазига берадилар;

- таълим тизимида ёш авлодни коррупцияга қарши руҳда тарбиялаш мавжуд эмаслиги ёки яхши йўлга қўйилмагани. Устакка-устак олий таълим муассасаларида имтиҳонларни ва диплом ишларининг ҳимоясини пул эвазига ўташ жараёнлари ёш авлодда коррупцияга нисбатан лоқайдлик хиссини шакллантиради ва камдан-кам талаба коррупцион талабларга очиқ қаршилик кўрсатишга кўрқади, акс ҳолда мутахассислик дипломидан айрилиб, тергов, суд ва жиноий жазога тўхматчи сифатида жалб этилишини хоҳламайди;

- оммавий ахборот воситалари аҳолини коррупцияга қарши руҳда тарбиялаш борасида лозим даражада иш олиб бормаётгани, одамларда коррупцияга нисбатан “иммунитет”ни шакллантириш билан боғлиқ вазифани бажариш масаласида ортда қолади.

Коррупциянинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: давлат мулкани хусусийлаштириш ҳамма жойда коррупциянинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади; бюджет маблағларини тақсимлаш соҳаси – коррупционерлар учун яна бир қулай замин; эксклюзив ҳуқуқлар бериш (имтиёзлар, шу жумладан экспорт ва импорт, солиқлар бўйича имтиёзлар бериш, лицензиялаш ва ш.к.) ҳам коррупцияга кенг йўл очади; амалдорларнинг тижорат банклари билан ҳамкорлиги; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва иқтисодий жиноятчиликнинг бирикиши ва коррупцияга қарши курашга жиддий тўсқинлик қилувчи муҳитни вужудга келиши учун мўътадил шароитлар яратиш беради.

Қуйи даражадаги коррупция учун шарт-шароитлар. Қуйи даражадаги коррупция ундан пора олувчигина эмас, балки пора берувчи ҳам фойда кўриши билан ажралиб туради. Пора муайян майший муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашади, шунингдек у айрим майда қонунбузарликлар, кўрсатмаларни бузиш имконияти учун тўланадиган ҳақ бўлиб хизмат қилади.

Қуйи даражадаги коррупция оддий фуқаро давлатга мурожаат этиш зарурияти билан тўқнаш келувчи ёки аксинча, давлат фуқарони ташвишга солиш лозим деб ҳисобловчи барча соҳаларга кириб боради. Булар: турар жой-коммунал хўжалик соҳаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, аввало ички ишлар органлари, солиқ ва бож йиғимлари, ҳарбий хизматга қакирув, соғлиқни сақлаш соҳаси ва ҳ.к.

Коррупциянинг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари. Жамиятдаги криминаллашув жараёнлари кишилар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг ҳуқуқий онги бузилишига сабаб бўлади. У бир-бирини истисно этувчи икки жиҳат – ҳуқуққа ижобий ва салбий муносабатларнинг чатишуви билан тавсифланади. Айни бир субъектлар онгида бундай тенденцияларнинг мавжудлиги аҳолининг турли гуруҳлари кадрларга муносабатда тўғри мўлжалларни йўқотганидан далолат беради. Ҳуқуқий нигилизм – ҳуқуққа салбий

муносабат, унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилиш имкониятига ишончсизлик кучайиб боради.

Жамиятда мавжуд бўлган маънавий-психологик муҳит ҳокимият органларидаги коррупция даражасига, ҳеч шубҳасиз, жиддий таъсир кўрсатади. Аксарият амалдорлар ўзларини коррупцион қарор қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ўртасида йўл танлашга мажбур этадиган ҳолатларга эртами, кечми – албатта дуч келадилар. Бундай ҳолатларга фуқаролар билан бевосита алоқада иш олиб борувчи қуйи ва ўрта бўғин амалдорлари айниқса кўп дуч келадилар (турли лицензиялар, рухсатномалар, маълумотномалар беришда ва ш.к.). Бундай ҳолатларнинг пайдо бўлиши юқорида зикр этилган коррупцияни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларга ҳам, ижтимоий-психологик омилларга ҳам боғлиқдир. Уларнинг табиатини тушуниш коррупцияга қарши курашиш учун нима қилиш кераклигини аниқлашни осонлаштиради. Индивидуал даражада коррупционерларга хос бўлган қуйидаги белгиларни қайд этиш мумкин: гапга усталлик ва тили аччиқлик; зимдан иш кўришга мойиллик; пулга ўчлик ва давлат манфаатларини (ва ўзга манфаатларни) пулга сотишга тайёрлик; ўз ҳаловатини сақлашга интилиш (бунга эришиш учун юқори турувчи мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш); эртани ўйламасдан яшаш; юқори мартабали шахслар билан дўстона алоқаларга эгалик ва бундай алоқаларни ўрнатишга, уларнинг ҳомийлигидан фойдаланишга, уларга ҳар хил молиявий ва моддий совғаларни беришга ҳаракат қилиш [3].

Коррупция домига илинган шахслар орасида хизматни ўташ билан боғлиқ зарар учун ўзига хос “товон” олиш мотиви айниқса кенг тарқалган. Умуман олганда, коррупцияга хос бўлган белгилар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: субъектлар жамиятда юксак мартаба ва мавқега эга эканлиги; мақсадларга эришишнинг пухта ўйланган интеллектуал усуллари ва воситалари; жамиятга етказиладиган улкан моддий ва маънавий зарар; ўта яширинлик ва ўзаро келишувга асосланганлик. Дарҳақиқат, коррупциянинг умумбашарий сабабларидан бири – бу жамиятдаги менталитет бўлиб, у аввалбошдан коррупцияни идрок этиш моделини (бағрикенг / муросасиз) ва жамият турини тақозо этади – анъанавий жамият ёки фуқаролик жамияти.

Ғарбий Европа маданиятида коррупция ноқонуний хизматларни ўтказишга асосланган мансабдорнинг “ўзини сотиши” ҳисобланади. Ғарб жамияти бундай ҳаракатларга ўта салбий муносабат билдиради. Европалик сиёсатчи ёки амалдор учун коррупцияга алоқадорликда гумон қилишнинг ўзи ҳам амалда хизматдаги умри адо бўлганини англатади. Жамият айрим иллат ва заифликларга тоқат қилади, аммо коррупцияга эмас. Франция ва Англияда аниқланган коррупция фактлари барча даражадаги амалдорларнинг ўтмишдаги хизматларига қарамай, дарҳол истеъфога чиқишига сабаб бўлишига кўплаб мисоллар мавжуд. Ғарб жамиятининг коррупцияга салбий муносабатда бўлишининг сабаби “бозор менталитети” бўлиб, унда бир томондан, ҳар ким ўзгаларга рақобатчи бўлса, иккинчи томондан эса – ҳар ким ҳамма учун шароитлар тенглиги ақидасига қатъий амал қилишга мажбур. Шароитлар тенглиги тамойилини бузиш энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, Ғарб жамиятида бозор муносабатлари бузилишига нисбатан муросасиз менталитет узоқ вақтлардан бери ва жуда қатъий тарзда шаклланган. Қайд этиш жоизки, Ғарб жамиятида бозор менталитетини тарбиялаш воситалари ва усуллари инсонпарварликдан йироқ эди.

Жумладан, ўрта асрлардаги Чехия қонунчилигида пиво ишлаб чиқарувчиларга ҳафтасига ўн иккита бочка пиво тайёрлашга рухсат берилган. Ушбу чеклов адолатли рақобатни таъминлар эди. Истеъмолчи ким мазали пиво тайёрлаганини ўзи аниқлар эди. Агар пиво ишлаб чиқарувчилардан бири ўн учинчи бочкада пивони пиширган бўлса, бошқа пиво ишлаб чиқарувчилар уни шу бочканинг ўзида чўктиришган [10]. Бундай анъаналарнинг юзлаб йиллар давомида амал қилиши натижасида қонунга бўйсунувчи Ғарб шахсияти шаклланган.

Шу боисдан ҳам Ғарб жамияти таълим тизимида талабаларнинг ўз курсдошларидан бири фириб қўллаганлиги профессор-ўқитувчиларга айтиб бериши одатий ҳол ҳисобланади, чунки бу курсдош барча учун имконият тенглиги “бозор” тамойилини бузмокда. Фириб ва хийлагарлик ҳақида хабар берганлар курсдошларининг норақобатчи хатти-ҳаракатларига нисбатан муросасизликни намоиш этади. Шу сабабдан ҳам, коррупционерни ҳар ким ўзининг

шахсий душмани деб биладиган Ғарб жамиятидаги муҳитда коррупция улкан миқёсда эмас. Олий мансабдор шахслар даражасидаги коррупция кўпинча яширин бўлади, масалан, солиқ имтиёзлари эвазига банк директорлар кенгашига кириш, мемуарлар учун миллион долларлик гонорар олиш ва ҳок.

Шарқда коррупция тушунчасига нисбатан қарашлар Ғарбдагидан анча, қарийб диаметрал равишда қарама-қарши. Шарқ давлатлари маданиятида коррупция анъанавий жамиятга узвий сингиб кетган ва ўзининг норматив тартибга солиниши билан ажралиб туради. Анъанавий жамиятда коррупция ижтимоий норма ҳисобланади, аммо у ўзининг амалий шакл ва кўринишларида чекланган. Ким ва қанча "олиши кераклиги" урф-одатлар билан белгиланади, шунинг учун "даражасидан кўпроқ олиш"га уриниш атрофдагиларнинг кескин танқидига учрайди [11].

Анъанавий жамиятда коррупциянинг негизи – бу уруғ-аймоқ (кланлар) муносабатлари. Бундай клан негизидаги жамиятда “ўз”ига тегишли амалдорнинг порахўр хатти-ҳаракатлари оқланади: “У ўзи учун эмас, балки катта оиласи, кекса ота-онаси, аёли ва болаларини қўллаб-қувватлайди”,-деган ақида йўғон илдиз отган. Қолаверса, коррупцияни ижтимоий норма сифатида қабул қилиш хаттоки репрессиядан ҳам кучлироқ бўлиб чиқади. Масалан, ХХРда порахўрликни олдини олиш мақсадида порахўр амалдорларни нафақат қатл қилишади, балки мумиялаб, ўрнига келган янги амалдорларни тарбиялаш учун хизмат хоналарига ўрнатиб қўйишади [12]. Бироқ бу чора Хитой амалдорларини пора олишдан тўхтатмаётганлиги – рад этиб бўлмас фактдир.

Юқоридаги фикрларга қарамай, жамият ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш ер юзидаги барча давлатларда ҳамиша ва ҳамма замонда давом этган. Чиндан ҳам, жамиятда устувор соҳа – таълим тизимида таҳсил оладиган ўсмирлар, ёшлар онгида мурасасизлик ҳиссини уйғотиш муаммосини ҳал этиш лозим. «Жамиятда порахўрлик иллатини енгиб бўлмайди», – деган фикр ёшлар онгида шаклланиб қолгани – бу энг катта камчилигимиздир [13].

Хусусан, ёшлар ўртасида ўтказилган сўровда респондентларнинг 39 фоизи пора беришни коррупция деб ҳисобламастикларини билдиришган. Бу ҳақда 4 август куни Сенатнинг ялпи мажлисида Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий маъруза билан чиқиш қилган Коррупцияга қарши курашиш Агентлигининг раҳбари маълум қилди. Сўровда жами 16189 нафар респондентлар қатнашган [14].

Бизнингча, ёшларда ахлоқий иммунитетнинг йўқолишига асосан қуйидаги омиллар туртки беради: юқорида зикр этилган беқарорлик ҳисси; ходимнинг малакаси ва ишнинг масъулият даражасига мос келмайдиган оз маош (Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқот коррупциянинг асосий сабаби амалдорлар маошининг озлиги эканлигини кўрсатди [15]); хизмат пиллапоялари бўйлаб кўтарилишда адолатсизлик; бошлиқларнинг дағаллиги ёки нокомпетентлиги; коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари мавжуд эмаслиги ёки уларнинг номукамаллиги; “йирик” коррупционерларнинг жазосиз қолиши коррупциянинг тобора кучайиб боришига олиб келади. Мутахассислар ўтиш даврларида коррупцион қарорлар баъзан амалдор томонидан янги тизимга қарши ўзига хос “диверсия” - кўпоровчилик сифатида қаралишини қайд этадилар. Бунда оддий порахўр ўзини “жиноий тузум”га қарши курашчи сифатида тасаввур қилади [3].

Мансабдор шахс коррупцион қарор қабул қилганидан кейингина эмас, балки “чегаравий” хусусиятга эга бўлган ҳаракатлардан аста-секин жиноий ҳаракатларга ўтиш натижасида ҳам коррупциячига айланиши мумкин. Бошқарувнинг, қарорлар қабул қилишнинг изчил технологиялари қатъий йўлга қўйилмагани, ваколатлар доираси ва соҳалари аниқ эмаслиги, шунингдек давлат хизмати ходимининг Касб одоби кодекси йўқлиги амалдорлар коррупция домига илинишини айниқса осонлаштиради. Бундан ташқари, рақамли иқтисодиётга ўтишга қаршилик кўрсатиш ва коррупция шароиларини сақлаб қолиш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамият учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган фармон ва қарорларининг ҳаётга татбиқ этилишига йўл қўйилмайди. Чунончи,

мамлакат раҳбаримизнинг ўзи бу борада икки мингдан ортиқ фармон ва қарорларини бажарилмаганлигига эътибор қаратган эдилар.

Ўтиш даври анъаналар ва маданий андозаларнинг чатишуви, капиталнинг айрим шакллари ўзга шаклларга деярли монеликсиз ўтиши билан тавсифланади. Бунинг натижасида мансабдор шахслар ўз хизматида бозорнинг давоми сифатида қарайдилар, демократияни эса нормал бозорни коррупция хизматлари бозорига айлантириш эркинлиги сифатида талқин қиладилар. Коррупция жиноятларининг яна бир сабаби бу мазкур жиноятларда латентлик даражасининг юқорилигидир. Криминологларнинг қайд этишича, мисол учун бир йилда содир қилинадиган барча порахўрлик жиноятларини 100 % деб ҳисобласак, улардан атиги 0,1-2 % гина очилади холос [16].

Тадқиқотчи М.М. Поляков бу борада коррупциянинг асосий ўзига хос жиҳатини ажратади, яъни бу ҳодисага кўплаб манфаатдор шахслар аралашгани туфайли, у кўп ҳолларда латентлигини сақлаб қолишини тўғри таъкидлайди [17]. Худди шу жиҳатига О.В. Дамаскин ҳам алоҳида урғу бериб, коррупция жиноятларига юқори даражадаги латентлик хос эканлигини таъкидлайди [18].

Коррупцияга йўл очадиган омиллардан бири – бу ҳокимият органлари тизимининг мураккаблиги, буйруқбозлик таомилларининг кўплиги, давлат ҳокимияти органлари аппаратининг фаолияти устидан ташқи ва ички назоратнинг йўқлигидир. Ташкилий тушунмовчиликларни фуқароларнинг коррупцион хулқ-атворини рағбатлантиришдан фарқлаш баъзан жуда қийин кечади. Тақиқлар, рухсат бериш таомиллари сонининг ҳаддан ташқари кўплиги, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига жалб қилинган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми ва ҳуқуқий асосларининг йўқлиги ҳам коррупцияга йўл очади.

Шундай қилиб, куйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчи – коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ва чеклаш мумкин; иккинчи – бу муаммоларни ечишга коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий кураш олиб бориш мазкур иллатни йўқ бўлишига кўмаклашади. Коррупцияни вужудга келтирувчи муаммолар қаторига Ўзбекистон Республикасигагина эмас, балки модернизация жараёнларини бошдан кечираётган, аввало марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган аксарият мамлакатларга хос бўлган муаммолар киради. Биринчидан, коррупция сабабларининг турли талқинлари бир-бирига зид келади, иккинчидан, уларнинг бирортасини ҳам камчиликлардан холи деб айтиш мушкул. Бизнингча, бу борада В.В. Лунеев фикри тўғрироқ, бозор иқтисодиёти, эркин савдо ва демократия шароитида коррупция Жиноят кодексида белгиланган оддий порахўрлик ва мансаб ваколатини суистеъмол қилишнинг примитив турлари билан чекланмайди. У бугунги кунда лоббичилик, “ёқимтойлар”ни кўтариш, протекционизм каби кенг урф бўлган коррупциявий амалиётларни жинойий деб белгилашга интилиб [19], коррупцияни давлат хизматчиларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларини баҳолаш мезони асосида таснифлашни таклиф қилади. Тадқиқотчи Ш.Р. Қобиловнинг фикрича, давлатнинг рухсат бериш функцияларининг ҳаддан ташқари кенг доирада сақланиб қолиши ҳам коррупциянинг илдизларидан бири ҳисобланади [20].

А.А. Аманов коррупциявий ҳаракатларга иқтисодий субъектларнинг молиявий ва ҳўжалик фаолиятига давлатнинг, айниқса, маҳаллий давлат органларининг аралашуви ҳолатларини ҳам киритади [21].

Тадқиқотчилар Н.И. Ҳалилова, Н.С. Жабборов турли ҳуқуқий адабиётларда берилган таърифлардан келиб чиқиб, коррупция таркибига жамият манфаатлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув тартибига қарши қаратилган, кишиларнинг сиёсий тизимларига нисбатан ишончини сусайтирадиган давлат хизматчиларининг хизмат мавқеини суистеъмол қилиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларни киритишади [22].

Амалиётда коррупция таснифи давлат вазифаларини амалга оширувчи шахслар томонидан турли ҳуқуқий нормаларни (конституциявий, маъмурий, жиноят) бузилиши билан боғланади. Бу тамойилга асосланиб, коррупциявий қилмишлар доирасини сезиларли даражада

кенгайтириш мумкин. Жумладан, юридик адабиётда замонавий жамиятга хос бўлган ва коррупцияга олиб келадиган қуйидаги урф бўлган (типик) қонун бузилишлар ажратилади:

давлат хизматида ва нодавлат тижорат ташкилотларда лавозимларнинг бевосита ёки яширилган ҳолда бир вақтнинг ўзида бажариши ҳолатлари;

давлат хизматчилари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига бевосита ёки яширин ҳақ эвазига бевосита ёки билвосита хизматлар кўрсатиш;

тижорат ташкилотларига улар бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган муайян имтиёзлар, фойда ва преференциялар бериш;

давлат хизматчилари томонидан тижорат (нотижорат) ташкилотлари мақсадларида шахсий ёки идоровий таъсири ҳамда норасмий алоқалардан фойдаланиш;

давлат хизматчиси томонидан ҳали расман эълон қилинмаган, аммо хизмат вазифаларига кўра хабардор бўлган маълумотлардан фойдаланиш;

давлат хизматидан кетганидан сўнг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда нодавлат соҳада шахсий ишга жойлашиш;

мансабдор шахслар томонидан келгусида нодавлат соҳада ишга жойлашишни кўзлаган ҳолда ёки бевосита ваъдалашган ҳолда қарор қабул қилиш;

собиқ давлат хизматчилари томонидан ўзининг собиқ идораси фаолияти тўғрисидаги “ички” маълумотларидан, илгари ўрнатилган норасмий алоқалардан ўзининг янги иш корхонаси имтиёз олиш учун фойдаланиш;

мансабдор шахслар ишлаётган давлат корхоналари мол-мулкидан фойдаланган ҳолда тижорат тузилмаларини ташкил этиш, ушбу тузилмалар раҳбариятида иштирок этиш, улар учун имтиёзли ҳолат яратиб бериш, давлат ва маҳаллий мулкни хусусийлаштириш жараёнида ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, ушбу объектларни сотиб (эгаллаб) олиш, улар акциядорлик жамиятига айлантирилса – акциялар назорат пакетига эгалик қилиш;

давлат (жамият) эҳтиёжлари учун мўлжалланган молия ва кредит маблағларни қонунга хилоф равишда (тамагирлик ниятида) тижорий ташкилотларга ўтказиш [23].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” номли биринчи бўлимида 10-мақсадни белгилашда Давлат хизматида **коррупция омилларини бартараф этиш**, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган. Бундан ташқари, “Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” номли олтинчи бўлимнинг 84-мақсади:

коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш,

коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш,

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш каби учта асосий вазифани белгилашга бағишланган [24].

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш чораларини янада такомиллаштириш, уларни мунтазам равишда янгилаш ва қайта ишлаш борасида ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги тузилди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди [25].

Бундан ташқари, нисбатан жуда қисқа вақт ичида коррупцияга қарши курашиш, турли соҳаларда коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва коррупциядан ҳоли, “ҳалоллик” вакцинасини жорий этиш, бундай ҳулқ-атворга муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган ўндан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича

белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда [25].

Маълумки, мамлакатда коррупция даражасини аниқлаш турли нуфузли жаҳон молия ташкилотлари (Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқалар) учун ўзига хос восита бўлиб, унинг ёрдамида давлат ҳокимиятида транспарентлик, қонун устуворлиги, бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамияти ривожланиши, суд мустақиллиги ва бошқа муҳим масалалар қай даражада таъминланганлиги аниқланади. Айни шу зарурат бугун коррупцияни қандай ўлчаш ва кузатиб боришга доир янгидан янги тузилмалар ва ташкилотларни келтириб чиқармоқда. Айни дамда, коррупцияни амалда ўлчашда ҳам катта қийинчиликлар мавжуд. Булар, энг аввало коррупция тушунчасига оид ягона ва аниқ бир таъриф йўқлигидир. Гарчи халқаро ташкилотлар унинг умумий таърифини яратишга ҳаракат қилишаётган бўлса-да, турли мамлакатлар қонунчилигида коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар бир-биридан анча фарқ қилади. Бундан ташқари, коррупцияни бевосита юзага келтирувчи айрим омилларнинг тарқалиши нуқтаи назаридан, универсал (барча мамлакатларда амал қилувчи) ва локал (алоҳида мамлакатларда амал қилувчи) омиллар мавжудлигини ҳам ҳисобга олиш зарур [26].

Коррупция миқёсини ўлчашда дуч келиш мумкин бўлган кейинги мураккаблик – бу коррупцияни ўлчашда қайси мезонлар(асослар)га таяниш ва айнан нималарни ўлчаш аниқ ва яқуний келишиб олинмаганлиги. Чунки хатто коррупция ҳолатлари сонига кўра олинган аниқ ўлчов-натижалар ҳам амалда малакатда (соҳада, тармоқда) манзарани кўрсатишда бефойда бўлиши мумкин. Статистик маълумотлар (коррупция билан боғлиқ жиноятларга алоқадор айбдорлар сони ва бошқалар) аниқ бўлиши мумкин, аммо коррупция латентлиги юқори, аксарият ҳолатлар аниқланмай, жазосиз қолиб кетади.

Қолаверса, барча коррупциявий ҳолатлар бир-бирига тенг эмас – кичик коррупциявий ҳолат (майда порахўрлик)ни давлат тендерларидаги йирик ҳажмдаги мансабдорлик жиноятлардан фарқи бор. Ваҳоланки, бундай фарқлар жиноятлар статистикасидан ўрин олмайди.

Коррупция даражасини ўлчашга қаратилган индекслар сони кейинги йилларда ортиб бормоқда. Кўп мурожаат қилинаётган мазкур индекслар Transparency International (Халқаро шаффофлик) ташкилотининг коррупция индекси, Жаҳон банкининг глобал бошқарув кўрсаткичлари, янги турдаги ўлчаш ва баҳолаш воситалари саналмиш Халқаро шаффофлик ташкилоти барометри (GCB) ва Global Integrity ташкилотининг глобал яхлитлик индекси [27]. Шунингдек, Price Waterhouse Coopers шаффофлик индекси ҳам ўзига хос нуфузга эга. Бугунги кунда, Transparency International томонидан 1995 йилдан бери коррупцияни ўлчаш учун фойдаланиладиган индекс – CPI (Perception Corruption Index)дан фойдаланади. CPI ёрдамида коррупциянинг миқдорий ўлчови ўтказилади ва унинг мамлакатлар ўртасидаги тақсимоли кўриб чиқилади.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилиши натижасида Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” да мамлакатимиз 180 та давлат орасида 2019 йилда 153-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йилда 146-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди [28]. Таққослаш учун, 2020 йилда кўшни мамлакатлар – Қозоғистон 94-, Қирғизистон 124-, Тожикистон 149-, Туркманистон ва Афғонистон эса 165-ўриндан жой олган. 2021 йил учун Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон 2020 йилга нисбатан 6 поғонага юқорилаб, 180 давлат ичида 140-ўринни эгаллади [29]. 2022 йил учун Ўзбекистон 180-та давлат ичида 126 ўринни эгаллаган, яъни 14 поғонага кўтарилган[30].

Айтиш жоизки, коррупция ҳодисаси тарқалганлик даражаси коррупция билан боғлиқ асосан икки хил қараш кенг тарқалган: айрим инсонлар коррупцияни ғилдиракнинг мойи деб билишади ва улар коррупцияни қийинроқ кечадиган жараённи тезлаштириш ва осонлаштириш воситаси сифатида қабул қилишади. Баъзилар эса коррупцияни ғилдиракка

илашиб қолган лой деб билишади. Лой ҳажми ортгани сари, табиийки, ғилдиракнинг айланиши ҳам қийинлашади [27].

Ўзбекистонда, айтиш мумкинки, ҳанузгача биринчи қараш анча кенг тарқалган, бу борада дунё микёсида, афсуски, юқори ўринларни эгаллаб туриши, мамлакатда бозор иқтисодиёти ҳанузгача етарли даражада ошқора ва транспарент қоидаларга эга эмаслиги, ислохотлар иқтисодиётнинг реал секторида ўз самарасини ҳозирча бера олмаётгани, давлат амалда юқорида даражада коррупциоген муҳит ва қонун эмас, “таниш-билишчилик”, непотизм ҳукм суриши, суд тизими мустақиллиги етарлича таъминланмаслиги туфайли, хорижий бизнес вакиллари, инвесторлар томонидан ислохотларга ишонч билдириш қийин кечмоқда. Ваҳоланки, замонавий рақобатли дунёда айнан инвестициялар иқтисодиётни модернизация қилиш ва аҳоли турмуш шароитларини яхшилашнинг муҳим омилдир. Коррупцияни вужудга келтирувчи сабаблар ва шарт-шароитларни лозим даражада ўрганиш йўли билангина уни камайтириш ва чеклаш бўйича муайян чора-тадбирларни белгилаш ва ишлаб чиқиш мумкин. Коррупция ва уни вужудга келтирувчи муаммолар ўртасида икки томонлама алоқа мавжуд. Бир томондан, бу муаммолар коррупцияни кучайтиради, уларни ечиш эса коррупция даражасини пасайтиришга кўмаклашиши мумкин, бошқа томондан, коррупция кенг тарқалгани ўтиш даври муаммоларини кескинлаштиради, уларни ечишга халақит беради. Бундан хулоса шуки, биринчидан, коррупцияни фақат уни вужудга келтирувчи муаммолар ва шарт-шароитларни ечиш йўли билан камайтириш ва чеклаш мумкин; иккинчидан, бу муаммоларни ечишга коррупцияга қарши барча йўналишларда қатъий ва муросасиз кураш олиб бориш кўмаклашади.

Шундай қилиб, юқоридаги коррупция жиноятчилигининг белгиловчи детерминантлари (белгиловчи омиллари) мазкур иллат билан курашда ҳисобга олиниб, илғор хорижий тажрибага таянган ҳолда жамиятнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда, коррупцияга нисбатан бўлган муносабатни туб жиҳатдан ўзгартиришни тақозо этади, чунки Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг одилона таъкидлашича: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жойиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаимиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак” [31].

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Криминология: Учебник / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: Жеті жарғы, 2005. – С. 56.( Criminology: Textbook / Edited by E.O. Alaukhanov. – Almaty: Zheti zhargy, 2005. – p. 56)
2. Абдурасулова Қ.Р. Коррупцияга қарши кураш: бу борада чет эл қонунларида нималар белгиланган ? // Ҳаёт ва қонун. - №3. - 2003. (90). – Б. 17. (Abdurasulova C.R. Anti-corruption: what is defined in foreign law in this regard ? //Life and law. - №3. - 2003.(90). - p. 17).
3. Алауханов Е.О., Турсынбаев Д.Е. Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан: Учебное пособие / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы: КазАТК, 2008. – С. 180.( Alaukhanov E.O., Tursynbayev D.E. Fight against corruption in state bodies of the Republic of Kazakhstan: Textbook / Edited by E.O.Alaukhanov. – Almaty: KazATK, 2008. – p. 180)
4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 28 сон, 260-модда.(Collection of law documents of the Republic of Uzbekistan, 2008, Number 28, Article 260).
5. Б.Хидоятлов. Айрим хорижий давлатларда порахўрлик учун жиноий жавобгарлик масалалари. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси №3 (35) 2018/ <https://uzjournals.edu.uz/proacademy> (B.Khidoyatov. Issues of criminal liability for bribery in some foreign countries. Bulletin of the Academy of the Prosecutor



- General's Office of the Republic of Uzbekistan №3 (35) 2018,p.27//<https://uzjournals.edu.uz/proacademy>)
6. Шамсутдинов Б. С. Коррупциявий жиноятларга оид амалдаги қонунчилик муаммолари ва уларни бартараф этиш истиқболлари // <https://www.researchgate.net/publication/345435827> (Shamsutdinov B. S. A criminal case has been initiated on this fact, an investigation is underway//<https://www.researchgate.net/publication/345435827>)
  7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/4057> (Appeal Of The President Of The Republic Of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev To The Supreme Assembly. 29.12.2020)
  8. <https://profile.ru/article/putin-i-ego-armiya-za-poslednie-12-let-chislo-chinovnikov-v-rossii-vyroslo-do-6-mln-chelovek>
  9. Г.Нурмухамедова. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикаси механизмларини такомиллаштириш: усуллари ва йўналишлари // // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 1 (2021), Б. 189-201.(D.Nurmukhamedov. Corruption advertising program: methods and news / / / Lawyer news – Lawyer's Bulletin – Lawyer herald. No. 1 (2021), p. 189-201)
  10. Государственная антикоррупционная политика. Учебник – 2017 г. - Инфра-М. – С.15.( State anti-corruption policy. Textbook – 2017 - Infra-M. – p.15.)
  11. Демьянов Е.Л. Социологический аспект изучения феномена коррупции. <https://rusmirzp.wordpress.com>(Demyanov E.L. The sociological aspect of studying the phenomenon of corruption// <https://rusmirzp.wordpress.com>)
  12. Ванновская О.В. Обоснование концепции коррупционного поведения госслужащих // Вестн. Моск. гос. обл. ун-та. Серия 12. Психология. Социология. Педагогика. 2009. № 3. С. 54-62.( Vannovskaya O.V. Substantiation of the concept of corrupt behavior of civil servants // Vestn. Moscow State Regional University. Series 12. Psychology. Sociology. Pedagogy. 2009. No. 3. pp. 54-62.)
  13. М.Даминов. Коррупция – таъмагирликнинг юқори нуқтаси // <https://uza.uz/uz/posts/korrupsiya-tamagirlikning-yuqori-nuqtasi>(M.Daminov. Corruption is the high point of taste)
  14. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/08/05/corruption/>
  15. Отчет Всемирного банка о мировом развитии / Под общ. ред. Д.Тушунова. Пер. с англ. Н. Сухова. – М.: Прайм-Тасс, 1997. – С. 18.( World Bank World Development Report / Under the general editorship of D.Tushunov. Translated from the English by N. Sukhov. – М.: Prime-Tass, 1997. – p. 18).
  16. Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С.233.( Criminology. Textbook. Editor-in-chief: M.H.Rustambayev. – Tashkent: TGUI, 2008. – p.233).
  17. Поляков М.М. Административно-правовые способы предупреждения коррупционных правонарушений: Автореф. дис. ... к.ю.н. М., 2009. С. 12.( Polyakov M.M. Administrative and legal methods of preventing corruption offenses: Abstract. dis. ... Candidate of Law, 2009. p. 12.)
  18. Дамаскин О.В. Коррупция: состояние, причины, противодействие: Монография. М.: Триумфальная арка, 2009. С. 16.( Damaskin O.V. Corruption: state, causes, counteraction: Monograph. Moscow: Arc de Triomphe, 2009. p. 16).
  19. Лунеев, В. В. Коррупция: политические, экономические, организационные и правовые проблемы / В. В. Лунеев // Государство и право. – 2000. – № 4. – С. 99–107.( Luneev, V. V. Corruption: political, economic, organizational and legal problems / V. V. Luneev // State and law. – 2000. – No. 4. – pp. 99-107.)

20. Қобилов Ш.Р. Коррупцияга қарши кураш: иқтисодий, маънавий-маърифий чоралари ва йўллари: Монография. – Т., Б. 26–27-б.( Kalanov Sh.R. Corruption of Karshi Kurash: economy, spiritual and educational Choralari and Yohlari: Monograph. - Т., p. 26-27)
21. Аманов А.А. Коррупцияни юзага келтирувчи шарт-шароитлар ва омиллар // Коррупцияга қарши курашиш – жамият ва давлат хавфсизлигининг гарови: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 26 ноябрь). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 287.( Amanov A.A. Anti-corruption conditions and factors anti – corruption-a pledge of community and state security: Proceedings of the Republican scientific and Practical Conference (November 26, 2015). - Т.: Academy of the Republic of Uzbekistan, 2016. – В. 287.)
22. Н.И.Халилова, Н.С. Жабборов. Коррупциянинг кушанда сифатидаги мазмун-моҳияти, типологияси ва шакллари //SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021 – Б.1272-1276(N.I.Khalilova, N.S. Jabborov. Killer corruption content quality-essence, typology and formari // SCIENTIFIC PROGRESS VOLUME 2 | ISSUE 7 | 2021-В.1272-1276)
23. Лунеев, В. В. Коррупция: учтенная и фактическая / В. В. Лунеев // Государство и право. – 1996. – № 8. – С. 81(Luneev, V. V. Corruption: considered and actual / V. V. Luneev // State and Law. - 1996. – No. 8. – p. 81)
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.( National base of development strategy // legislative data of new Uzbekistan for 2022-2026, approved by the decree of the president of the Republic of Uzbekistan No. 60 of January 28, 2022, 29.01.2022.,06/22/60/0082.)
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 06/20/6013/1002-сон(Decree of the president of the Republic of Uzbekistan of June 29, 2020 PF-6013 "on additional measures to improve the Anti-Corruption System in the Republic of Uzbekistan" // national database of legislative acts data, 30.06.2020., 06/20/6013/1002).
26. Қ.Абдурасулова. Коррупция жиноятчилигини умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // Available at: <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>(Q.Abdurasulova. Corruption universal description, causal relationship and oldin olsh / / Available at: <https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2>)
27. Отабек Тиллаев. Ғилдиракдаги мой ва лой: коррупция даражасини қандай ўлчаш мумкин? //[https://kun.uz/news/2021/09/18/gildirakdagi-moy-va-loy-korrupsiya-darajasini-qanday-olchash-mumkin?](https://kun.uz/news/2021/09/18/gildirakdagi-moy-va-loy-korrupsiya-darajasini-qanday-olchash-mumkin/)( Otabek Tillaev. Grease and dirt: Can the damage be caused by a candied sponge?// <https://kun.uz/news/2021/09/18/>)
28. <https://www.transparency.org/en/cpi/2020/index/uzb>
29. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/25/corruption-index-2021/#!>
30. <https://www.transparency.org/en/cpi/2022>
31. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. // Манба: [www.prezident.uz/uz/lists/view/3324](http://www.prezident.uz/uz/lists/view/3324) (Mirziyoyev G.M. President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev, Oli Majlis, 2020 yil January 24. // source: [www.prezident.uz/uz/lists/view/3324](http://www.prezident.uz/uz/lists/view/3324))

# ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

8 ЖИЛД, 6 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 8, НОМЕР 6

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 8, ISSUE 6

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000